

ТАСДИҚЛАЙМАН



Кўштепа туман ободонлаштириш  
бошқармаси Т/Х мухандиси  
А.Рахмонқулов

18. Август 2022 йил

Кўштепа тумани

Кўштепа туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 03.08.2022 йил кунги лот №22110012131714-сон билан Электр узатиш жихозлари ва тунги ёритиш чироклари сотиб олиш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 19

Қатнашдилар: А.Рахмонқулов - Т/Х мухандиси  
Ш.Ибрагимов - Электромонтиёр  
Р.Абдуллаев - Бўлим бошлиғи  
Ғ.Мадрахимов - Бош ҳисобчи  
Қ.Юлдашев - Бўлим бошлиғи  
Йиғилиш Котиби Р.Жўраев - Ёрдамчи ҳисобчи

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. «ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МЧЖ

2. "Grandstro" МСНЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи «ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МЧЖ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Ғ.Мадрахимов

Р.Абдуллаев

Қ.Юлдашев

Ш.Ибрагимов

Йиғилиш котиби:

Р.Жўраев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA**

**HUQUQIY XULOSA**

1. **Loyiha tur:** Shartnoma
2. **Loyiha nomi:** "Elektromontaj" MCHJ bilan tuzilgan oldi-sotdi shartnomasi
3. **Loyiha ishlab chiquvchi:** Qo'shtepa tuman obodonlashtirish boshqarmasi
4. **Loyiha kiritilgan sana:** 11.08.2022

**HUQUQIY EKSPERTIZA XULOSASI:**

Mazkur loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi 29.08.1998 yildagi №670-I-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "Davlat haridlari to'g'risida" gi Qonuni bilan tartibga solinadi.

Mazkur loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi 29.08.1998 yildagi №670-I-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "Davlat haridlari to'g'risida" gi Qonuni va amaldagi qonunchilik talablariga mos ravishda tuzilgan. Tomonlarning huquq va majburiyatlari, javobgarlik masalalari keltirib o'tilgan. Mazkur shartnoma loyihasidan foydalanish mumkin.

Xulosa: Mazkur loyiha amaldagi qonun talablariga javob beradi, undan foydalanish mumkin.

Loyihani huquqiy ekspertizadan o'tkazuvchi:

**Qo'shtepa tuman adliya bo'limi**

**yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**bosh yuriskonsulti**



**G'.Mo'ydinov**

Қўштепа туман ободонлаштириш  
бошқармаси ва "ELEKTROMONTAJ"

МЧЖ ўртасида тузилган  
" 18 " Август 2022 йил кунги  
№ 32 сонли шартномага

№1 илова

T/P	Керакли материаллари рўйхати.	Микдори	Нархи	Умумий суммаси	
1	ОПОРЫ Ж/Б НА СТОЙКЕ СВ95-2,0 ПРЕМАЖУТОЧНАЯ ТИПА П10/0,38	дона	5	1421000	7105000
2	ИЗОЛЯТОРЫ ШФ20-В	дона	20	7350	147000
3	Траверсы ТН для низковольтных линий с напряжением 0,4кВ	дона	60	68600	4116000
4	Светодиодный уличный светильник 150 ватт консольный фонарь на столб. фонари на опры	дона	11	515480	5670280
5	Кронштейн для светильников на столб с хомутом в комплекте	дона	49	68600	3361400
6	Изолятор штыревой фарфоровый ТФ-20	дона	21	24780	520380
7	Силовой алюминиевый провод АПВ Кабел 1х10 предназначен для стационарного монтажа электрических цепей с номинальным напряжением до 400 Вольт, частотой 50 Герц, силой тока до 63 Ампер.	метр	650	2891	1879150
8	Кабель АВВГ-П 2х4 соответствует всем требованиям ГОСТ, проходит любые проверки и содержит все необходимые сертификаты и паспорта.	метр	175	3136	548800
9	Шит 30х40 Фотореле, пускател, автомат 63а	комплект	1	980000	980000
10	Светодиодный уличный светильник 100 ватт консольный фонарь на столб. фонари на опры	дона	55	377300	20751500
Жами				45079510	

"ELEKTROMONTAJ" М.Ч.Ж.  
раҳбари:

Ободонлаштириш бошқармаси  
Бошлиғи:



М.Темиров.

М.Рўзибоев.

# ШАРТНОМА № 32

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш ҳақида)

Қўштепа тумани

«19» Август 2022 йил

Қўштепа туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи М.Рўзибоев бундан буён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, низоми асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан ЕЛЕКТРОМОНТАЖ МСНҲ (кейинги ўринларда «берувчи» деб аталади) номидан раҳбар М.Темиров (хўжалик юритувчи субъект, ФИШ) низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган шартномага илова қилинган 4-вароқдан иборат бажарувчи ташкилотни танлаб олиш танлов ҳужжатлари техник қисмида кўрсатилган мол-мулкни сотиш, «Сотиб олувчи» эса қабул қилиб олинган шартномага илова қилинган 4-вароқдан иборат «Бажарувчи» ташкилотни танлаб олиш учун танлов ҳужжатлари нарх қисмида кўрсатилаган маҳсулот еки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар. Шартномага 4-вароқдан иборат «Бажарувчи» ташкилотни танлаб олиш учун танлов ҳужжатлари» илова қилинади ва ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Электр узатиш жихозлари ва тунги ёритиш чироқлари	комплект	1	45079510	45079510
Жами:					45079510

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 45079510 (Қирқ беш миллион етмиш тўққиз минг беш юз ўн) сўм.

## III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат) нинг 30 фоизи миқдориди пул маблағини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

## IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 30 (уттиз) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

## V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Сотиб олувчи»нинг талабларига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Сотиб олувчи»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Сотиб олувчи» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;
- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2 «Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

- «Сотиб олувчи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.
- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни шжро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдориди «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20 % миқдориди жарима тўлашига сабаб булади.

7.4. «Сотиб олувчи» томонидан олинган товар ёки маҳсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,5 % миқдориди «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

## VIII ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақтлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёхуд номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинишини қарор қилади.

8.5. Томонлар коррупцияга қарши қондалар бузилганда ва (ёки) асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон тизим орқали) ёки ишонч телефонлари орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда, томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, муружаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.6. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатларда хавф-хатар бартараф этилмай, томонлар амалга оширилган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

## IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига асосан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «19» август кунидан дан 2022 йил «31» декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга кирди.

## X. КОРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 14-сентябрдаги ПФ-6313-сон қарори билан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган давлат харидлари билан боғлиқ шартномаларда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бандлар мажбурий белгилаб қўйилади.

10.2. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарилаётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги бандлар қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қарор беради.

10.3. Шартнома тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (субпудратчилар, агентлар ва томонлар назорат қиладиган бошқа шахслар) коррупцияга қарши шартларни бажармаган тақдирда, бошқа томон шартномани бир томонлама тартибда тўхтатиб туришга бекор қилишга ҳақли.

## XI. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

### ЭЛЕКТРОМОНТАЖ МЧЖ

### Қўштепа туман ободонлаштириш бошқармаси

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фарғона вилояти Қўштепа тумани Шодлик

Манзил: Қўштепа тумани Шодлик мфй Нуробод кўчаси 47 уй.

МФЙ Ўзбекистон кўчаси №21 уй

Тел./факс: 905621573

Тел./факс: 73 425 22 70

Ҳисоб варак: 20208000904066291001

ш/х\*: 1000228060302067064200110001

Банк номи: Хамкорбанк Марғилон бўлими

СТИР: 200177201

МФО: 00991

СТИР: 203320758

ОКОНХ: 46900

Ҳисоб кўрсаткичи: 20000300100001010

Бўлими: Марғилон банк ХКМ Тошкент ш.Б.Б.

МФО: 00991

СТИР: 201122919

Раҳбар:



М.Ў.

Сотиб олувчи:



М.Рўзибоев  
(Ф.И.Ш.)